

ҲАРБИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ ОФИЦЕРЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7859240>

Комилов Маъруфхон Собирхонович

Ўзбекистон республикаси қуроли кучлари

Академияси кафедра катта ўқитувчиси

E-mail: komilov @inbox.ru

Тел: +998909182006

Аннотация.

Ушбу мақолада ҳарбий педагогиканинг методологияси ва унинг офицерлар фаолиятидаги ўрни, методологик муаммолари ҳамда уларнинг ечимлари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар.

метод, гносеология, мантиқ, ўқитувчи, ижтимоий, Фан, таълим, фаолия, коммуникатив.

Фаннинг методологик муаммоларига барча даврларда ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бугун ҳам мамлакатимизда билимнинг бу соҳасига кизиқиш янада кучайиб бормоқда. Ижтимоий ҳаёт давомийлиги ва фан ривожининг юқори абстракция поғонаси мураккаб, ечими бирмунча қийин бўлган саволларни юзага чиқармоқда. Табиийки, уларнинг илми билишнинг эскича ёндашувлари ёрдамида ҳал этилиши анча мушкул. Методология ҳам амалиёт талабларидан ортда қолиши, ижтимоий кадрларнинг ўзгариш қонуниятларига боғлиқ ҳолда ривожланмаслиги мумкин эмас.

Биринчи навбатда ҳарбий таълим тизимида жорий қилиниши зарур бўлган методларни излаб топиш, уларни ҳарбий жараёнлар амалиётига татбиқ этиш, илмий билиш мантиқини лойиҳалаш, ҳарбий тадқиқотлар самарасини оширадиган техникавий қурилмаларни яратишга эътибор қаратилган. Бошқа томондан, методологиянинг дунёқараш жиҳатлари – чуқур назарий умумлашма, башоратлаш, фан стратегиясини ва унинг мавқеини ошириш Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ислохотларига мос равишда амалга оширилмоқда.

Методология – (юнонча – методлар ҳақида таълимот) ижодий жараён сифатида ҳарбий тизим жараёнининг илмий билиш йўллари ва

воситаларининг, илмий тадқиқот қонуниятларининг, уларни таққослаш ва тизимлаштириш замирида юзага келган. Демак, методология ҳарбий жараёнларнинг илмий билиш фаолияти, моҳияти, йўллари ва воситаларининг назарий муаммоларини, шунингдек, ҳарбий жараённинг илмий тадқиқот қонуниятларини ўрганади.

Методология тушунчаси мураккаб ва ҳар доим ҳам бир хилда талқин қилинавермайди. Биринчи навбатда у кенг маънода – фан методологияси сифатида қўлланилиб, барча илмий фанлар учун илмий билишнинг фалсафий таянчи ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, методология фан сифатида обектив борлиқни билиш ҳақида таълимот (назарияси) дир. Тор маънода эса аниқ илмий фанлар (шу жумладан ҳарбий педагогика) учун илмий билиш назариясини англатади.

Ҳарбий педагогика методологиясини шартли равишда ўзаро бир-бирига боғланган беш босқичда келтириш мумкин:

Биринчи босқич – гносеологик. Унинг таркибий тузилишини диалектик материализмнинг асосий қонунлари (қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, миқдор кўрсаткичдан сифат кўрсаткичга ўтиш, инкорни инкор қилиш), категориялар (кўриниш ва моҳият, шакл ва мазмун, имконият ва ҳаққонийлик, сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф, умумийлик, ўзига хослик, бирлик ва ҳ.к) ва тамойиллар (обективлик, ҳар томонлама таҳлиллаш, ривожлантириш, назария ва амалиётнинг бирлиги, ҳақиқатнинг конкретлиги) ташкил этади. Методологиянинг ушбу босқичи мажмуини ташкил этувчи ғоялар тадқиқотчи ва ҳарбий педагогларни билишга оид ва амалий фаолиятга йўналтиради, ҳар бир ижтимоий кўриниш ёки жараённи “тирик организм доимий ривожланишининг обектив таҳлил заруриятини ўрганиш сифатида” кўриб чиқилишига имкон беради;

Иккинчи босқич – дунёқарашга оид. Унинг асосини ҳарбий – педагогик кўринишлар, уларнинг ўзига хос хусусияти, бошқа ижтимоий кўринишлар билан боғлиқлигининг ўзига хослигини намоён этишга оид ғоялар ташкил этади, ушбу ғоялар қаторига қуйидагилар киради:

- Инсон шахси шаклланишининг омиллари;
- тарбия мазмуни, уни ривожлантириш қонуниятлари, инсонлар ҳаёти, ижтимоий тараққиётдаги ўрни;
- баркамол инсон тарбияси;
- шахснинг фаол ва ижодий фаолияти;

- таълим ва тарбияни ҳаёт, демократик қурилиш амалиёти билан боғлиқлиги;

- жамоанинг тарбияловчи роли;

- Ватан ҳимояси;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар қурилишининг тамойиллари;

- замонавий шароитда уруш ва тинчлик диалектикаси ва ҳ.к.

Учинчи босқич – илмий мазмунга оид. Унинг асосини ҳарбий-педагогик жараённинг қонуниятлари ва тамойиллари ташкил этади. Шунинг учун ҳам улар амалий амалий ҳарбий-педагогик фаолият ва бўлажак ҳарбий хизматчиларнинг таълим- тарбияси соҳасидаги келгуси тадқиқотларга нисбатан методологик функцияни бажаради.

Тўртинчи босқич – мантикий – гнеосологик. У ўз ичига қуйидаги ҳарбий- педагогик жараённинг умумий муаммоларини қамраб олади. Улар қуйидагилардир:

- ҳарбий педагогика объекти ва предметининг таҳлили, улар ривожланишини намоён бўлиш йўналишлари;

- ҳарбий педагогика асосий категорияларининг илмий моҳиятини аниқлаш ва характеристикаси, уларни ҳарбий - педагогик билимлар тизимида ўрнини аниқлаш;

- ҳарбий педагогик назарияни лойиҳалаштиришнинг таркибий тузилиши ва услубларига нисбатан талабларни асослаш;

- ҳарбий педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқасини тадқиқ қилиш;

- ҳарбий педагогик назария ва ҳарбий хизматчилар таълими ва тарбиясининг амалиёти ўртасидаги боғлиқлигини намоён қилиш ва аниқлаш;

- ҳарбий педагогика ривожланишини прогнозлаш, тадқиқот муаммоларини асослаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, методик характердаги ишланмалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш.

Бешинчи босқич – методик босқичи. Унинг мазмунига ҳарбий педагогик тадқиқот методлари,, уларни турли хил фаолият шароитларида қўллайдиган талаблар ҳақидаги билимлар киради.

Хуллас Ҳарбий педагогикада фаол равишда назарий таҳлил, кузатиш, эксперимент, суҳбат, ёзма сўров (анкеталаш), таълим олувчи ва тарбияланувчилар фаолияти натижаларини ўрганиш, ҳужжатларни ўрганиш

ва бошқа илмий- тадқиқот методларидан фойдаланган ҳолда методик босқичларни амалга ошириш мумкин.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Муслимов.Н.А. Ҳарбий таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фанл. докт. . дисс. Т.: 2007. – 349 б.

2.Мусурмонова О. Оила маънавияти-миллий ғурур. Оқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 200 б.

3.Насриддинов Ч.Р. Ҳарбий психология. Тошкент: «Фан» нашриёти, 2004.

4.Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: Мухаррир, 2009. – 95 б.

5.Очилов М.Университетлар тизимида педагог ходимлар тайёрлаш муаммолари. // -Таълим ва тарбия» журнали. 1997. 5-6 сон.